АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ НИЗОМИДДИН НАЖМИДДИН ЎҒЛИ

# ОЧИҚ КОДЛИ ОПЕРАЦИОН ТИЗИМЛАРНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

УДК: 004.451.8(09)

Техника фанлар[illegible] диссертацияси



О[illegible]
докторл[illegible]

Contents of d[illegible]

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ НИЗОМИДДИН НАЖМИДДИН ЎҒЛИ**

# ОЧИҚ КОДЛИ ОПЕРАЦИОН ТИЗИМЛАРНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/T1107 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Каримов Маджит Маликович**<br>техника фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Мухамедиева Дилноз Тўлкуновна**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| | **Туйчиев Ғулом Нумонович**<br>физика-математика фанлари доктори |
| **Етакчи ташкилот:** | **«UNICON.UZ» – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази** |

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «9» ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2592 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «31» октябрь да тарқатилди.
(2019 йил «8» октябрь даги 18 рақамли реестр баённомаси.)

**Р.Х. Ҳамдамов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**К.Ф. Керимов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.в.б, т.ф.н., доцент

**Р.Ж. Алоев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот хавфсизлиги (АХ) тизимларини ишлаб чиқишга ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация тизимлари ривожининг ҳозирги даражасида самарали ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бирмунча муҳим механизмларидан бири бўлган операцион тизимларни ҳимоялаш масаласи айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. «Интерфакс маълумотларига кўра Германияда 2016 йилда киберхуружлар сони 2017 йилдагига нисбатан 1,8 мартага ошган ва бу каби хуружларнинг фош этилиши 2016 йилда аввалги йилдаги 32,8% ўрнига 38,7% га ортган»[1]. Мазкур масала юзасидан АҚШ, Нидерландия, Германия, Буюк Британия, Швеция, Франция, Жанубий Корея, Хитой, Россия Федерацияси каби мамлакатларда ва бошқа давлатларда муайян соҳалар белгиланган бўлиб, уларда компьютер тизимларининг юқори даражада ҳимояланганлигини таъминловчи операцион тизимларни ҳимоялаш механизмларининг дастурий-аппарат воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда операцион тизимларни ҳимоялашнинг самарали усуллари ва воситаларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги операцион тизимларни ҳимоялашнинг юқори даражасига қадар ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: компьютер тизимларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида ресурсларнинг муайян категорияларидан фойдаланишни чекловчи усулларни ишлаб чиқиш; аудит, модулларни ажратиш, оператив хотирани тозалаш, тизим файллари яхлитлигини текшириш ва ҳ.к. каби ҳимоя воситалари мажмуи (ҲВМ) асосида операцион тизимдаги маълумотлар тизимини ҳимоялаш усулларининг дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш; ҳуқуқлар моделлари асосида маълумотларни ҳимоялаш моделларини яратиш.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ахборот технологияларини ривожлантириш билан бир қаторда компьютер тармоқларида маълумотларни ҳимоялаш воситалари ва усулларини кенг қўллашга ва маълумотларни тармоқлардаги таҳдидлардан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан компьютер тармоқларидаги таҳдидлар ва ҳужумларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида сезиларли натижаларга эришилди, жумладан, компьютер тармоқларининг ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини, ҳужумларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш тизимини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги

[1] https://www.securitylab.ru/blog/personal/Informacionnaya_bezopasnost_v_detalyah/343228.php

таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[2] вазифалари белгиланган. Шу каби вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ташқи таҳдидлар таъсирини камайтирувчи ҳимоя воситаларининг моделлари, усуллари ва алгоритмларини яратиш ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонлари, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида" ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Л.Торвальдс, Р.Херцог, Б.Керниган каби олимлар Linux оиласига мансуб бўлган операцион тизимларни ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб борганлар. Р.Пайк, Б.Уорд, Д.Барретт, С.Алапати, А.Робачевский, Д.Н.Колиснеченко, М.Фленов, С.Немнюгин, О.Стесик, Т.Адельштайн, Б.Любанович, С.Л.Скловская каби хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг Linux операцион тизимидаги маълумотларни ҳимоялаш тизимини яратиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ўрганиб чиқилган. МДҲ мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси илмий ишланмаларида алгоритмларни шифрлаш, ҳимоялаш воситаларининг турли усуллари, моделлари ва алгоритмлари, ахборотни ҳимоялашнинг назарий ва амалий тамойиллари, ахборотни ҳимоялаш воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича «Astra Linux», «Заря» операцион тизим (ОТ)лари, «Альт Linux», «РОСА» каби операцион тизимлар ўрганиб чиқилган. Турли давлат муассасаларида қўлланилувчи «Dopplx» график қобиқлари ўрганилган.

Х.А.Музаффаров ва А.Икромовлар илмий мақолаларида ГОСТ 28147-89 алгоритми билан шифрлаш ва ҳимоя тизимларини яратиш усуллари ўрганиб чиқилган. Д.Н.Колиснеченко ва В.Алленлар илмий ишларида, Linux Format журналининг 2014, 2015 ва 2016 йилларидаги барча сонларида Linux ОТ ядроси алгоритмлари ва тузилмаси, пакет маълумотларга ишлов бериш тезлиги, хавфсизлик моделлари, хавфсизликни таъминлаш воситалари тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга, тармоқдаги таҳдидлардан ҳимоялаш воситалари ва усуллари тўла таҳлил қилинмаган, мавжуд алгоритмлардаги камчиликлар

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

аниқланган ҳамда ноқонуний таъсирлардан ҳимояловчи қурилмаларни бошқариш воситалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Очиқ кодли операцион тизимлар асосида ихтисослашган электрон хисоблаш машиналар учун махсус белгиланган операцион тизимларни ишлаб чиқиш» (2015-2017) №5/15 мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасининг O'zDSt 2817:2014 асосида 2А даражадаги хавфсизлик талабларига жавоб берувчи ва махфий иш юритиш соҳасидаги стандартлар талабларини қондирувчи махсус усулларни ишлаб чиқиш ва хавфсизлик воситаларини жорий қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборот хавфсизлиги соҳасидаги энг муҳим миллий ва халқаро стандартлар ва бошқа ҳужжатларни ҳамда махсус очиқ кодли замонавий хавфсиз ОТларни таҳлил этиш;

белгили драйвер асосида ҳимояланган операцион тизимлари ядроларида қурилмаларнинг инициализация ва ўчириш усуллари алгоритмини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси стандартлари талаблари ва таҳдидлар, хавфсизлик бузғунчиси моделлари асосида таркибий тизимларни қайд этиш ва ҳодисаларни ҳисобга олиш, таркибий тизим яхлитлигини таъминлаш, чоп этилаётган ҳужжатларнинг маркировкаси механизмларини, тезкор хотирани тозалашни ишлаб чиқиш ҳамда дастурлар билан ишлаш учун график дастурларини очиқ кодли операцион тизимларида хавфсизлик воситаларини ишлаб чиқиш;

идентификация ва аутентификация усуллари учун кўп босқичли назорат хоссаларини сақлаган ҳолда, киришни назорат қилиш воситаларини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида операцион тизимларни ҳимоялаш модуллари ва дастурлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Linux операцион тизими асосидаги ҳимояланган операцион тизимларни қуриш технологиялари ва усуллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида ахборотни ҳимоялаш усулларидан, алгоритмлар назариясидан, математик моделлаштириш усулларидан ҳамда тартибли ва объектга йўналтирилган дастурлашдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

асос бўлувчи миллий ва халқаро (ТЭНБФХ (Техник ва экспорт назорати бўйича федерал хизмат) томонидан ишлаб чиқилган) стандартлар таҳлили ва хавфсизликни бузувчи модели асосида унинг математик модели ҳамда имкониятлари ишлаб чиқилган;

белгили драйвер асосида қурилмаларнинг инициализация ва ўчириш усуллари алгоритми такомиллаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси стандартлари талаблари ва таҳдидлари талабида, хавфсизлик бузғунчиси моделлари асосида таркибий тизимларни қайд этиш ва ҳодисаларни ҳисобга олиш, таркибий тизим яхлитлигини таъминлаш, чоп этилаётган ҳужжатларнинг маркировкаси механизмларини, тезкор хотирани тозалаш, ҳамда дастурлар билан ишлаш учун график дастурларининг очиқ кодли операцион тизимларида хавфсизлик воситалари яратилган;

идентификация ва аутентификация усуллари учун кўп босқичли назорат хоссаларини сақлаган ҳолда киришни назорат қилиш воситалари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

хавфсизликни бузувчининг таянч модели асосида ва автоматлаштирилган тизим (АТ)нинг математик моделини ишлаб чиқилди;

белгили драйвер асосида қурилмаларни номлаш ва олиб ташлаш услубининг алгоритми такомиллаштирилди;

Ўзбекистон Республикаси стандартлари талабларини қондирувчи ва хорижий стандартлар асосида ҳодисаларни ҳисобга олиш ва таркибий тизимларни қайд этиш, таркибий тизим яхлитлигини таъминлаш, чоп этилаётган ҳужжатларнинг маркировкаси механизмлари ишлаб чиқиш, тезкор хотирани тозалашдан иборат бўлган ҳамда дастурлар билан ишлаш учун график дастурлар хавфсизликни бузувчи ва таҳдидлар моделлари асосида очиқ кодли операцион тизимлар учун ишлаб чиқилган;

идентификация ва аутентификация модули учун кўп босқичли назорат хоссаларини сақлаган ҳолда фойдаланишни назорат қилиш воситалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларни миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолашни қўллаган ҳолда тадқиқот мақсади ва вазифалари, предметга мос бўлган усулларда; назарий ва амалий даражада тадқиқот ўтказиш орқали; тадқиқот методологиясининг асосланганлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Маълумотларни жисмоний ва мантиқий ҳимоялашда ҳамкорликда фойдаланиш ва ажратиш тамойилини жорий қилиш асосида ахборот хавфсизлиги тизимларининг вазифавий имкониятларини кенгайтиришга имкон берувчи алгоритмлар ва дастурий воситалар ишида тавсия этилган амалий апробациялардан иборат. Ахборотни ҳимоялаш ва унга ишлов бериш учун универсал инфратузилмаларнинг ҳаракатланиш механизмлари тавсия этилди ва ва моделлар ишлаб чиқилди. Тавсия этилган алгоритмлар асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилига мувофиқ, очиқ кодли операцион тизимлар учун хавфсизлик талабларига жавоб берувчи хавфсизлик тизимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти O'zDSt 2817:2014 2A синфига мувофиқ хавфсизлик талабларига жавоб берувчи ва махфий иш юритиш соҳасидаги ахборотни ҳимоялашни таъминлаш учун давлат ва

ҳуқуқий органлар томонидан унинг хулосаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган давлат ёки тижорат муассасаларида қўллаш мумкин бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот натижаларининг амалда жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларида фойдаланувчи ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш билан боғлиқ бўлган ахборот хавфсизлигининг бирмунча асосланган ва мақсадга йўналтирилган сиёсатига ўтказишни таъминлашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлаб чиқилган ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари ва усуллари, яратилган алгоритмлари бўйича олинган натижалар асосида:

идентификация ва аутентификация усуллари учун кўп босқичли назорат хоссаларини сақлаган ҳолда киришни назорат қилиш воситалари Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Сурхондарё вилояти бўлимида жорий қилинган (Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 25 сентябрдаги 104-маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида кўп босқичли назорат хоссаларини сақлаган ҳолда киришни назорат қилиш воситалари такомиллаштириш имконини берган;

белгили драйвер асосида ҳимояланган операцион тизимлари ядроларида қурилмаларнинг инициализация ва ўчириш усуллари учун алгоритми «Infoteka» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 25 сентябрдаги 104-маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган метод хавфсиз операцион тизими ядросидаги қурилмаларни ўчириш ва инициализациялаш усуллари иш вақтини 8,3 маротабага камайтиришга имкон берган;

«HUMO» ОТда ишлаб чиқилган маълумотларни ҳимоялаш алгоритмлари ва дастурлари махсус ҳимоя воситалари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан ижобий экспертизадан ўтказилган ва жорий этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 25 сентябрдаги 104-маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида очиқ кодли ОТда дастурий мажмуалар ва маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш методларини қўллаш объектларга қайд қилинмаган мурожатлардан ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳимояланган операцион тизимларини қуришдаги самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан 4 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация коммисиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, 2 таси

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан 3 таси халқаро журналада, нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интелектуал мулк агентлигининг 1 та ихтирога ва 1 та фойдали моделга патенти олинган.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг «Объект юзасининг суръати бўйича уни қиёсий анализ учун қурилма» (№ 04195-2010 й.) ихтирога патенти**

**Фойдаланиш соҳаси:** емирмайдиган назорат

**Вазифаси:** Объект эталонисиз тахлил қилиш имкониятини таъминлаш.

**Ихтиро моҳияти:** қурилма таркибига мос предметли столчалари бор иккита солиштириш тармоқларидан ташкил топган солиштириш микроскопи, тасвирлар майдончаларини қўшиш блоки ва ўз ичига объективни ўтказувчи ойнани визуал ва телевизион каналларни олган кузатиш блоки кирган. Тасвирлар майдонларини қўшиш блоки солиштириш тармоқлари ва телевизион каналлар орасида жойлашган. Қурилма унинг оптик ўқининг устида кетма-кет жойлашган нурланиш манбайидан, линзадан, улардан биттаси (36) ўтказиш имконияти билан ўрнатилган иккита ярим шаффоф ойналардан (33, 36) ва акс эттирувчи пластинанинг устида жойлаштирилган ясси қаварик линзадан ташкил топган ва Ньютон ҳалқаларини шакиллантиргич билан таъминланган. Қурилма шунингдек предмет столчасида бурчак остида солиштириш тармоқларидан бирининг ва ярим шаффоф кўзгунинг (33) ўзаро перпендикуляр оптик ўқларида кесишиш нуқтасида жойлашган оғиш ойнаси, иккинчи солиштириш тармоғи ва ўтказувчи ойна (36) оптик ўқларининг кесишиш нуқтасида худди шундай бурчак остида предмет столчасининг устида Ньютон ҳалқаларини шакиллантирувчи ўтказувчи кўзгуси (36) ва назорат объекти орасида ўрнатилган ярим шаффоф кўзгу (29) билан таъминланган.

Илк бора Ньютон ҳалқаларини ҳосил қилувчи қурилмага, ёруғлик манбаи, линзалар, 2 та ярим шаффоф кўзгу, улардан бири силжиш имкониятига эга ва қайтарувчи пластинадаги ясси қаварик линзалар оптик ўқда кетма-кет жойлашган ҳалқаларни ҳосил қилувчи ўзаро перпендикуляр тармоқлардаги таққословчи ўқлардан бирида жойлашган нуқтада кесишувчи предмет столчасидаги қайтарувчи кўзгу ва биринчи ярим шаффоф кўзгу, иккинчи ярим шаффоф кўзгу, Ньютон ҳалқаларини ҳосил қилувчи силжувчи кўзгулар орасида маълум бурчакда жойлаштирилган ва иккинчи таққослаш ўқларининг оптик кесишиш нуқтасидаги предмет столчасидаги таққосланувчи объект ва алмаштирувчи кўзгулардан иборат.

Солиштириш тармоқлари (1) ва (5)нинг кириши Ньютон ҳалқаларини шакиллантирувчи (27), (6) предмет столчасига ўрнатилган қайтарувчи кўзгу (28) ва (30) объектдан олдин (7) предмет столчасида жойлаштирилган ярим

шаффоф кўзгу (29) билан оптик ўқ орқали боғланган. Ньютон ҳалқаларини шакллантиргич (27), (31) монохроматик ёруғлик манбаи, (32) линза, (33) ярим шаффоф кўзгу, (35) қайтарувчи пластинага ўрнатилган (34) ясси қаварик линза, (36) ярим шаффоф ўтказувчи кўзгидан ташкил топган.

Объект юзаси суратини таққослаш икки усулда: биринчи усул, нуқсонли ва деформацияланган объект юзаси натижавий нуқсонсиз объект юзаси билан реал эталон объекти мавжуд бўлмаганда таққослаш, иккинчи усул, мураккаб рельефли объект юзасини реал эталон объекти мавжуд бўлган ҳолда таққослаш орқали амалга оширилади.

Объект юзасини сурати бўйича уни қиёсий анализ учун қурилма (1-расм)да, 1 биринчи таққослаш тармоғи, 2, 3 объективлар, 4 оғдирувчи кўзгу. Биринчи тармоққа параллел жойлашган иккинчи таққослаш тармоғи 5, 6 ва 7 предмет столчаларидан иборат. Таққослаш микроскопи 8 кузатиш блоки, 9 объективни ўз ичига олади, 10 телевизион канал, 11 объектив, 12 телекамера, 13 компьютер мониторидан иборат ва кўриш канали 14, 15 объективдан, 16 бинокуляр оптик тизим 17 ўзгарувчи кўзгулардан иборат эканлиги кўрсатилган.




**1- расм. Объект юзасини суръати бўйича уни қиёсий анализ учун қурилманинг схемаси**




**2- расм. Ньютон ҳалқаларини ҳосил қилувчи бўлувчи призмалар**

қонуний фойдаланувчисига таъсир ўтказадилар ва қалтисликларни қўллайдилар.

$a_i = g_j(f_i, q_{j,1}, \ldots)$ – қалтисликлар воситасида тизим функционалларига таъсир ўтказиш орқали АТ бойликларини олишга имкон берадилар.

$q_m = g_j(f_i, q_{j,1}, \ldots)$ – АТ функционаллари ва бошқа қалтисликлар орқали АТ (янги қалтисликлар) тўғрисидаги айрим маълумотларни олишга имкон берадилар.

Ушбу функционалларнинг кириш учун қулайлигини ҳисобга олиб, АТ функционалларини кўплик остига ажратган ҳолда *ташқи ва ички бузғунчи*ни тавсифлаш мумкин.

$F_1 \subset F$ тўплми остида улардан фақат назоратдаги ҳудуд (НҲ) ичидагина фойдаланиш имконига эга бўлиш мумкин бўлган функционаллар ажратилади.

Шунда бундай $G_j = \{g_{j,1}, g_{j,2}, \ldots\} \subset G$ га эга бўлган кўплаб бузғунчиларда $\forall g \in G_j \forall x \in F_2 \forall q_1, \ldots \in Q_j\ g(x, q_1, \ldots) = NO$ бўлади ва улар қатъий ташқи функционаллар деб аталади. Бу ерда *NO* функционалнинг воз кечишига мос келади. Бу ерда $Q_j$ маълумотларидаги фақат ушбу бузғунчи фойдаланиши мумкин қалтисликлари назарда тутилмоқда.

Функционаллари $G_j = \{g_{j,1}, \ldots\} \subset G$, $\exists g \in G_j\ \exists x \in F_2\ \exists q_1, \ldots \in Q_j\ g(x, q_1, \ldots) = a_i \in A$ бўлган бузғунчи ички деб аталади. Бу ерда $Q_j$ маълумотларидаги фақат ушбу бузғунчи фойдаланиши мумкин қалтисликлари назарда тутилмоқда.

Агар $a_i$ ахамияти ички бузғунчи томонидан $x \in F_1$бўлган жойдан $g(x, q_1, \ldots)$, $x \in F_1(x, q_1, \ldots)$, ёрдамида олинган бўлса, бундай ҳолда мазкур бузғунчи ташқи (бироқ қатъий ташқи эмас) бузғунчи деб аталади.

Диссертациянинг **«Очиқ кодли операцион тизимлар учун ҳимояланган қурилмалар драйверларини жорий этиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида оддий белгили драйвер мисолида «HUMO» ОТ тизимида драйверларни амалга ошириш тамойилари кўрсатилган. Ускуналар билан ўзаро боғланиш ёки тизимдаги имтиёзли ахборотдан фойдаланиш ҳаракатларини амалга ошириш учун драйвер ядролари керак бўлади. «HUMO» ОТ ядросининг модули – бу компилятсияланган иккилик коди бўлиб, ички ва бирмунча кам ҳимояланган қобиғида x86-64 процессоридаги буйруқни бажаришда бевосита «HUMO» ОТ ядросига қўйилади. Бу ерда мутлақо ҳеч бир текширувларсиз, юқори тезликда ва тизимдаги ҳар қандай ресурсларга кириш ҳуқуқига эга бўлган код ижро этилади. Ядрони ўзгартиришда маълумотларни йўқотиш хавфи юзага келади. Ядро кодида «HUMO» ОТ иловаларидаги каби стандарт ҳимоя мавжуд эмас.

Қурилмалар билан ўзаро боғланиш ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун қурилма драйвери зарур. Қурилмалар билан хавфсиз муомалада бўлиш ва хавфсиз ишлашни таъминлаш мақсадида дастур талаб қилинади. Ядро қурилмалар билан мос драйверлар орқали ўзаро ҳаракатланади. Қурилма драйвери – бу хизмат кўрсатиш учун қўлланилувчи функциялар йиғиндисидир. «HUMO» ОТнинг муҳим хоссаларидан бири – драйверларнинг динамик равишда юклаш имкониятидир. Бу каби ташкиллаштиришда

драйвер модули ядронинг бир қисмига айланади ва унинг функцияларига бемалол мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, динамик равишда юкланган драйвер, ўз навбатида динамик равишда бўшаши мумкин. Агар драйвер очиқдан-очиқ тарзда бўшамаган бўлса, бу ҳолда у тизимда доимий – кейинги қайта юклашга қадар қолади.

Белгили драйвер – бу белгили қурилмалар билан ишловчи драйвер. Белгили қурилмалар – бу мурожаат қилиш мумкин бўлган байтлар каби қурилма. /dev/ttyS0, /dev/tty1 белгили қурилмага мисол бўлади. Кўргазмалилик учун 1-расмга қаранг.

*Инициализациялаштириш методи.* «alloc_chrdev_region»ни чақирар эканмиз, қурилманинг белгили диапазонини қайд этамиз ва қурилма номини кўрсатамиз. Шундан сўнг MAJOR(dev) чорловига кўра катта сонни оламиз.

Кейинроқ агар у хатоликлар коди бўлса, қайтган қиймати текширилади ҳамда функциядан чиқиш амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, қурилманинг ҳақиқий драйверини ишлаб чиқишда ҳар доим қайтувчи қийматларини ҳамда ҳар қандай элементлар кўрсаткичини текшириши зарур. Агар қайтувчи қиймат хатолик коди бўлмаса, инициализация-лаштиришни бажаришда давом этамиз.

*Ўчириш методи.* Қурилма модулини ядродан олиб ташлашда «scull_cleanup» функцияси чақирилади. Инициаллаштиришнинг тескари жараёнида қурилма тузилмалари олиб ташланади, хотира бўшатилади ва ядро томонидан белгиланган кичик ва катта рақамлар олиб ташаланади.




**1-расм. Кўрсаткичларнинг рўйхатини боғловчи чизма**

Диссертациянинг **«Очиқ кодли операцион тизимларининг хавфсизлик воситалари»** дея номланган учинчи бобида асосий вазифаси тизимдаги ташқи қурилмаларни ва фойдаланувчиларни тартиб билан қайд этиш ҳамда шу каби қайд этувчи маълумотлар билан ишлаш учун воситаларни тақдим этиш, тизим файлларининг яхлитлигини текшириш

ҳамда тизимдаги ҳодисаларни таҳлил қилиш ва вақтни белгилашдан иборат бўлган маълумотларни ҳимоялаш учун дастурлар ишлаб чиқилган.

Бошқарув учун утилиталар йиғиндиси тизимдаги қайд этиш журналларини юритиш, ОТнинг яхлитлик контекстидаги ҳолатини текшириш, каби тизимдаги муҳим вазифаларни бажаришга имкон берувчи интерфейс орқали қўшимча созламаларни талаб қилмайдиган, тушунарли ОТда хавфсизликни таъминлаш учун яратилган. Утилиталарнинг ҳар бир йиғиндисидаги дастурлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

*Тизимдаги файллар яхлитлигини текшириш дастури* – ОТ хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча механизми саналади. ОТдаги шу каби файллар ва директорияларни ва, шу жумладан, улар белгиларининг ўзгариш ҳодисалари ҳолатини кўл бошқаруви тартибида текширишга имкон беради (2-расм).




**2-расм. Тизим файллари яхлитлигини текшириш дастуридан лавҳа**

*Тизим аудити дастури* – ўтган ҳафтада /home и /media директорияларида юз берган ҳодисалар таҳлили учун график (ёзма) интерфейсни намоён қилади (3-расм.).




**3-расм. Тизим аудити дастури лавҳаси**

*Оператив (тезкор) хотирани тозалаш учун дастур* – оператив хотирадаги маълумотларнинг тарқалиб кетиш ҳолатига барҳам бериш мақсадида оператив хотирани тозалаш учун график интерфейсни намоён қилади.

*Файллар тизими объектларининг махфийлик даражасини ўзгартириш учун дастур* – график қобиқнинг контекстли менюсини қўллаган ҳолда файллар тизими объектларини уларнинг қайта тиклаш имкониятини қолдирмай туриб махфийлик даражасини ўзгартириш учун график интерфейсни намоён қилади.

*Босмадан чиқарилаётган ҳужжатларни маркировкалаш дастури* – тегишли реквизитларга эга бўлган жўнатилувчи ахборот билан ҳужжатларни босмадан чиқаришда маркировкалаш учун дастур: ходимнинг Ф.И.Ш ни қўйиш, ҳужжатни (файл номини) номлаш, принтернинг ёки компьютернинг қайд этиш рақами, чоп этилаётган сахифалар сони, ҳужжатни чоп этишнинг вақти ва санаси (5-расм).




1, 2, 3 – файлларни бажариш кетма-кетлиги

**5-расм. Чоп этилаётган ҳужжатларни маркировкалаш дастури схемаси**

Ҳимояланаётган «HUMO» ОТ учун антивирус дастури тавсия қилинди. Тест натижаларига кўра элликдан ортиқ тестларда очиқ кодли «Comodo» антивируси танланди. Натижалар диаграмма кўринишида келтирилган (4-расм).




**4-расм. Антивирус дастурларини қиёсий таққослаш диаграммаси**

Диссертациянинг **««HUMO» операцион тизимининг киришни назорат қилиш воситалари»** дея номланувчи тўртинчи бобида киришни чекловчи қоидалар модели учун дастурлар ишлаб чиқилган.

*Чекловнинг дискрецион назорати асосида:*

• Файлни яратишда тизим бошқарувчисига автоматик равишда фойдаланувчи ва унинг гуруҳи учун ўқиш ва ёзиш ҳуқуқи берилади ва ушбу барча ҳуқуқлар бошқалар учун таъқиқланади.

• Агар фойдаланувчи бир нечта қайд этувчи ёзувларга эга бўлса, у ҳолда улар фойдаланувчининг турли қайд этувчи ёзувлар орқали яратилган ўзининг барча файлларига киришини осонлаштириш учун уларни ягона гуруҳга бирлаштириш мумкин.

• Қайд этувчи ёзувларига эга бўлган турли фойдаланувчилар ўртасида файлларни узатиш учун тизимда барча фойдаланувчилар учун файлларга кириш бирдек бўлган махсус умумий каталоглар ажратилиши мумкин.

• Турли фойдаланувчиларнинг қайд этувчи ёзувлари ўртасида файлларни узатиш учун тизимдаги барча фойдаланувчиларнинг файлларга кириши бир хил бўладиган махсус умумий каталогларга ажратилиши мумкин.

• Фойдаланувчи шахсий файлларига кириш ҳуқуқини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

• Тизим бошқарувчиси (администратори) кириш чекловига эга эмас.

*Чекловнинг мандат назорат қилиш асосида:*

• Фойдаланувчининг қайд этувчи ёзувлари киришнинг фақат биргина даражасига эга.

• Тизимдаги фойдаланувчининг қайд этувчи ёзувлари мандат таксимотига кўра учта даражага бўлинади: s0 (махфийликнинг паст даражаси), s1 (ўрта даражаси), s2 (баланд даражаси).






**6-расм. «HUMO» ОТнинг мандат назорати дастурининг блок-схемаси**




**7-расм. «HUMO» ОТнинг киришнинг мандат назорати алгоритми схемаси**

• Кириш даражасидан келиб чиққан ҳолда бир фойдаланувчида учтагача қайд этувчи ёзувлар бўлиши мумкин. Жумладан, s0 биргина қайд этувчи ёзувга, s1 – иккита қайд этувчи ёзувга, s2 – эса учта қайд этувчи ёзувга эга (6-расм).

• Фойдаланувчи қайд этувчи ёзув остида махфийлик даражаси ушбу қайд этувчи ёзувга кириш даражасига тенг бўлган файлларни яратиш, таҳрир қилиш ва ўқиш ҳуқуқига эга.

• Фойдаланувчи қайд этувчи ёзув остида махфийлик даражаси ушбу қайд этувчи ёзувга кириш даражасига тенг ёки паст даражадаги файлларни ўқиш ҳуқуқига эга (7-расм).

• Бошқа барча ҳолатларда кириш рад этилиши керак.

• Янги файлни яратишда унга фойдаланувчининг ушбу қайд этувчи ёзувига кириш даражасига мос бўлган махфийлик даражаси берилади.

• Ахборотни хавфсизликнинг бошқа даражасига узатиш зарур бўлган ҳолларда файлларнинг махфийлик нишонини ўзгартириш учун хавфсизлик маъмури (администратори) жалб этилиши лозим.

• Иловалар ва сервисларга мурожаат Linux ОТнинг стандарт дискрецион модели, тизимга киришни бартараф қилувчи илова (мослама)лар ва созлаш қурилмалари асосида амалга оширилади. Шу тариқа фойдаланувчи кириш ёки махфийликнинг ҳамда файллар махфийликларининг ўзига тегишли ёки бошқа даражаларига ўзгартириши мумкин эмас.

# ХУЛОСА

"Очиқ кодли операцион тизимларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари ва усуллари" мавзуидаги диссертация бўйича қуйидаги натижалар намоён қилинган:

1. Ахборот хавфсизлиги соҳасига асос бўлувчи миллий ва халқаро стандартлар ҳамда ахборот хавфсизлиги борасидаги бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида, АТ қадриятлари таснифи, таҳдидлар таснифи, шакллантирилган, таянч модели (ОТ томонидан ишлаб чиқилган) асосида таҳдидлар манбаларига тасниф берилган, бузғунчининг таянч модели ва унинг имкониятлари шакллантирилган ҳамда АТ хавфсизлик таҳдидларини аниқловчи бузғунчининг математик модели ишлаб чиқилган. Математик модел АТ хавфсизлик таҳдидларини аниқлашга имкон берган.

2. «HUMO» ОТ хавфсиз операцион тизими ядросидаги қурилмаларни ўчириш ва инициализациялаш усулларининг такомиллашган алгоритмлари ишлаб чиқилган. Алгоритм кодидаги ортиқча функциялар миқдорини камайтириш ёрдамида алгоритмнинг иш вақтини 8,3 маротабага камайтиришга имкони яратилган.

3. Дастурлар билан ишлаш учун график воситалар ишлаб чиқилган ҳамда халқаро ва мамлакатимиз стандартлари асосида воқеа-ҳодисаларни ҳисобга олиш ва таркибий тизимни қайд этиш, таркибий тизимнинг яхлитлигини таъминлаш, чоп этилаётган ҳужжатларни маркировка механизмлари, тезкор хотирани тозалаш дастурлари, алгоритмлардан ташкил топган операцион тизимлар хавфсизлиги воситалари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган хавфсизлик воситалари Ўзбекистон Республикасининг O'z DSt 2817:2014 асосида 2А даражадаги хавфсизлик талабларига жавоб бериш имкониятини берди.

4. Белла–ЛаПадула классик модели асосида мандатли модель модернизациялаштирилган ҳамда кўп босқичли назорат хоссаларини сақлаган ҳолда, фойдаланишни назорат қилишнинг бирмунча содда сиёсати ишлаб чиқилган. Фойдаланишни назорат қилишнинг бирмунча содда сиёсати кўп босқичли назорат хоссаларини такомиллаштириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ОЧИЛОВ НИЗОМИДДИН НАЖМИДДИН ЎҒЛИ**

# МЕТОДЫ И СРЕДСТВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ОПЕРАЦИОННЫХ СИСТЕМ С ОТКРЫТЫМ КОДОМ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/T1107.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Каримов Маджит Маликович**<br>доктор технических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Мухамедиева Дилноз Тўлкуновна**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| | **Туйчиев Ғулом Нумонович**<br>доктор физико-математических наук |
| **Ведущая организация:** | **«UNICON.UZ» – центр научно-технических и маркетинговых исследований** |

Защита диссертации состоится «8» 10 2019 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентский университет информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №_____). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «31» 10 2019 года.
(протокол рассылки №19 от «8» 10 2019 года.)

**Р.Х. Хамдамов**
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

**К.Ф. Керимов**
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

**Р.Ж. Алоев**
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н. проф.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется разработке и совершенствованию систем информационной безопасности (ИБ). При нынешнем уровне развития информационных и коммуникационных систем становятся особенно актуальными вопросы защиты операционных систем, которые являются одними из наиболее важных механизмов обеспечения эффективной информационной безопасности. «Согласно данным Интерфакса, число киберпреступлений в Германии в 2016 году выросло в 1,8 раза по сравнению с 2017 годом, а раскрытие таких атак в 2016 году увеличилось на 38,7% против 32,8% в предыдущем году»[1]. По данному вопросу в зарубежных странах, таких как США, Нидерланды, Германия, Великобритания, Швеция, Франция, Южная Корея, Китай, Российская Федерация и других государствах были отмечены определенные сферы, где уделяется особое внимание созданию программно-аппаратных средств механизмов защиты операционных систем, обеспечивающих высокую защищенность компьютерных систем.

В мире особую важность приобретает совершенствование эффективных методов и средств защиты операционных систем, повышение их эффективности до уровня классов защищенности операционных систем. В этом отношении в научно-исследовательских работах особое внимание уделяется следующим аспектам: разработка методов, ограничивающих использование определенных категорий ресурсов с целью обеспечения надежной защиты компьютерных систем; разработка методов и программных комплексов защиты системных данных операционной системы на основе комплексов средств защиты (КСЗ), таких как: аудит, изоляция модулей, очистка оперативной памяти, проверки целостности системных файлов и т.д.; создание моделей защиты данных на основе моделей прав доступов.

В республике наряду с развитием информационных технологий в органах государственного и хозяйственного управления особое внимание уделяется защите данных от системных угроз и широкому применению методов и средств защиты информации в компьютерных системах. В связи с этим были достигнуты значимые результаты по обнаружению и предотвращению угроз и атак в компьютерных системах, в частности, с целью обеспечения защищенности компьютерных систем была начата разработка системы обнаружения и предотвращения угроз, системы мониторинга информационной безопасности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в том числе, «...совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере»[2]. Реализации

[1] https://www.securitylab.ru/blog/personal/Informacionnaya_bezopasnost_v_detalyah/343228.php

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

таких операционных систем, в том числе создание моделей, методов и алгоритмов средств защиты, снижающих влияние внешних угроз, являются важными задачами, стоящими перед специалистами в области информационных технологий.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5264 от 29 ноября 2017 года «Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-1989 от 27 июня 2013 года «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Л.Торвальдс, Р.Херцог, Б.Керниган провели исследования по разработкам операционных систем семейства Linux. Изучены научно-исследовательские работы зарубежных и отечественных ученых, таких как: Р.Пайк, Б.Уорд, Д.Барретт, С.Алапати, А.Робачевский, Д.Н.Колиснеченко, М.Фленов, С.Немнюгин, О.Стесик, Т.Адельштайн, Б.Любанович, С.Л.Скловская в сфере создания систем защиты данных в ОС Linux. В научных разработках стран СНГ, а также Республики Узбекистан были изучены операционные системы, как «Astra Linux», операционные системы (ОС) «Заря», «Альт Linux», «РОСА» по разработке методов и средств защиты информации, теоретико-практической концепции защиты информации, различных моделей, методов и алгоритмов средств защиты, алгоритмов шифрования. «Doppix» изучены графические оболочки, применяющиеся в различных государственных учреждениях.

